

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASINING  
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

« 17 » апрель 2019 у.

№ 321

Toshkent sh.

Таълим муассасаларида уни битириб, юксак ютуқларга эришган номдор шахсларнинг ҳомийлик хайрия маблағлари хисобига шакллантириладиган битирувчилар жамғармасини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида” 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда таълим муассасаларига бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, профессор-ўқитувчилар, иқтидорли ўкувчи ва талабаларни моддий кўллаб-куvvатлаш, битирувчилар ва таълим муассасалари ўртасида фаол алоқаларни ўрнатиш орқали таълим соҳасини янада ривожлантириш максадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Таълим муассасаларида уни битириб, юксак ютуқларга эришган номдор шахсларнинг ҳомийлик хайрия маблағлари хисобига шакллантириладиган битирувчилар жамғармаси ташкил этилсин.
2. Таълим муассасаларида уни битириб, юксак ютуқларга эришган номдор шахсларнинг ҳомийлик хайрия маблағлари хисобига шакллантириладиган битирувчилар жамғармаси тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда бошқа манбаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда ўзлари қабул қилган норматив-хуқукий хужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштиргисинлар.
4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдухакимов, олий ва ўрта маҳсус таълим вазири И.У. Маджидов ҳамда халқ таълими вазири Ш.Х. Шерматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил “17” апрелдаги 32-сон қарорига  
илова

**Таълим муассасаларида уни битириб, юксак ютукларга эришган  
номдор шахсларнинг ҳомийлик хайрия маблағлари ҳисобига  
шакллантириладиган битиувчилар жамғармаси тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом таълим муассасаларида уни битириб, юксак ютукларга эришган номдор шахсларнинг ҳомийлик хайрия маблағлари ҳисобига битиувчилар жамгармаларини (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) ташкил этиш, унинг маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардияси ва Давлат божхона қўмитаси тасарруфидаги таълим муассасаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Жамғарма ташкилий-хукукий шаклидан қатъи назар давлат, нодавлат таълим муассасаларида ва Ўзбекистон Республикаси худудида ташкил этилган хорижий таълим муассасаларининг филиалларида таълим муассасалари раҳбарларининг тегишли буйругига мувофиқ ташкил этилиши мумкин.

Таълим муассасаларида жамғарманинг ташкил этилиши мажбурий эмас.

3. Жамғарма маблағларини шакллантиришда ҳомийлик хайриялари орқали иштирок этувчи жисмоний ва юридик шахсларнинг мазкур Жамғарма фаолиятига аралашувига йўл қўйилмайди.

4. Жамғарма юридик шахс ҳисобланмайди ва унинг маблағлари таълим муассасаларининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Фазначилигида очилган алоҳида бюджетдан ташқари шахсий ғазна ҳисобварағида (ғазна ижроси билан қамраб олинмаган таълим муассасаларида уларнинг маҳсус ҳисоб рақамларида) жамланади ва ушбу Низомда белгиланган мақсадларга сарфланади.

**2-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш  
ва улардан фойдаланиш тартиби**

5. Жамғарма маблағлари қўйидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилади:  
таълим муассасаларини битириб, юксак ютукларга эришган номдор битиувчиларнинг ҳомийлик хайрия маблағлари;

Жамғарманинг вақтинчалик бўш турган маблағларини банк депозит ҳисобваракларига жойлаштирилишидан олинган фоиз даромадлари.

6. Жамғарма маблағлари күйидаги мақсадларни молиялаштиришга йўналтирилади:

иктидорли, билимли ўқувчи ва талабаларнинг ўз билимларини янада мустаҳкамлашлари учун зарур бўладиган ўқув ва илмий адабиётлар ҳамда жиҳозларни харид қилиш;

иктидорли, билимли ўқувчи ва талабаларнинг ўз устида ишлашлари ва билимларини мунтазам ривожлантиришга интилишларини моддий кўллаб-кувватлаш ва рағбатлантириш;

ўқувчи ва талабаларнинг туманлар, вилоятлар, республика ва ҳалқаро миқёсида ўтказиладиган (билимлар соҳаси, спорт, маънавий-маърифий ва бошка тадбирлар) турли мусобақаларда фаол иштирокини таъминлаш;

кам таъминланган оиласлар ва етим болалар тоифасига кирувчи ўқувчи ва талабаларни моддий кўллаб-кувватлаш;

профессор-ўқитувчилар ва ходимлар меҳнатини рағбатлантириш;

ижтимоий фаол ва таълим муассасасида кўп йиллар мобайнида меҳнат қилган профессор-ўқитувчилар ва ходимларни моддий рағбатлантириш;

таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шу жумладан бино ва иншоотларни таъмирлаш, зарур замонавий ўқув ва илмий-лаборатория ускуналари, мебеллар, инвентарлар ҳамда ахборот-коммуникация воситалари билан жиҳозлаш ва бошка товар-моддий бойликларини харид қилиш;

фаол ўқувчи ва талабалар ўртасида ўтказиладиган республика танловлари галибларини ҳамда уларнинг устоз ва мураббийларини тақдирлаш ва рағбатлантириш;

Жамғарма маблағларини ушбу бандда назарда тутилмаган мақсадларга йўналтиришга йўл кўйилмайди.

7. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш таълим муассасалари томонидан тасдиқланадиган даромадлар ва харажатлар сметаси асосида амалга оширилади.

8. Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар сметасига зарурат бўлганда, йил давомида белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

### **3-боб. Жамғарма маблағларини бошқариш**

9. Жамғарма фаолиятини бошқариш ва унинг маблағларини тақсимлаш таълим муассасалари раҳбарлари раислик қилувчи Жамғармани бошқариш кенгашлари ва умумий ўрта таълим муассасаларида Кузатув кенгашлари (кейинги ўринларда Кенгаш деб аталади) томонидан амалга оширилади.

10. Кенгаш 7-9 нафар таркибда шакллантирилади ва таълим муассасаси раҳбари томонидан тасдиқланади. Кенгаш таркибига таълим муассасаларининг раҳбар ва масъул ходимлари, ўқувчи ва талабалар, Ўзбекистон ёшлар иттифоки вакиллари ҳамда мазкур таълим муассасаларини битириб, юксак ютукларга эришган номдор битиравчилар киритилади.

11. Кенгаш мажлиси аъзоларнинг камида учдан икки қисми катнашган тақдирда ваколатли ҳисобланади. Кўриб чиқилаётган масалалар бўйича қарорлар оддий кўпчилик овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

Қарор қабул қилишда овозлар teng бўлиб қолган тақдирда, Кенгаш раиси томонидан ҳал қилувчи қарор қабул қилинади. Қабул қилинган қарор баённома шаклида расмийлаштирилади ҳамда таълим муассасаларининг баённома асосида қабул қилинган буйруги билан амалга оширилади.

12. Кенгаш мажлиси ҳар чоракда камида бир маротаба, зарурат бўлганда навбатдан ташқари чакирилади.

13. Кенгаш:

Жамғарма маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган тадбирларнинг устувор йўналишларини белгилайди;

ҳар чорак якуни ва ҳисбот йили якуни бўйича Жамғарма маблағларининг даромадлари тушуми ва харажатлари тўғрисидаги ҳисботларни кўриб чиқади ва тасдиқлади;

Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши устидан назоратни амалга оширади;

Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

14. Жамғарма фаолиятини қўллаб-куватлаш ва унга таълим муассасаларини битириб, юксак ютукларга эришган битирувчиларнинг ҳомийлик маблағларини жалб этиш таълим муассасаси номидан амалга оширилади.

15. Таълим муассасасининг молия-ҳисоб бўлинмаси Жамғарманинг ишчи органи (кейинги ўринларда Ишчи орган деб аталади) ҳисобланади ва Жамғармадан маблағ ажратишга оид мурожаатлар Ишчи орган томонидан кўриб чиқилади.

16. Ишчи орган:

Жамғарманинг келгуси йил учун даромадлари ва харажатлари прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқади;

Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар сметасини тузади, шунингдек уларга қонун хужжатларида белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритади ва тасдиқлаш учун тақдим этади;

Жамғарма тушумларини кўпайтириш ва унинг маблағларидан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

Жамғарманинг тушумлар манбалари бўйича даромадлари ҳамда асосий харажатлар йўналишлари бўйича ҳисоб ва ҳисботини юритади;

ҳар чорак якуни бўйича Жамғарма маблағларидан фойдаланилиши тўғрисида ҳисбот тайёрлайди ҳамда Кенгашга кўриб чиқиши ва тасдиқлаш учун тақдим этади.

17. Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари сметаси қонун хужжатларида белгиланган тартибда тузилади ва тасдиқланади.

18. Жамғарманинг жорий йилда фойдаланилмай қолган маблағлари кейинги йилга ўтади ва бошқа мақсадлар учун олиб қўйилмайди.

19. Жамғарманинг вақтингчалик бўш турган маблағлари таълим муассасалари томонидан Ўзбекистон Республикасининг молиявий барқарор ва тўлов қобилияти юкори бўлган банкларининг депозит ҳисобваракларига жойлаштирилиши мумкин ҳамда олинган фоиз даромадлари ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилган мақсадларга сарфланади.

#### **4-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш юзасидан ҳисобот ва назорат**

20. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш бўйича ҳисоб ва ҳисботлар таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари бошқа маблағларидан алоҳида, бюджет ташкилотлари учун бюджетдан ташқари маблағлар бўйича қонун хужжатларида белгиланган тартибда юритилади.

21. Жамғарма даромадлари ва харажатлари сметасининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисбот таълим муассасасининг йил якунлари бўйича ўтказиладиган йиғилишида Кенгаш аъзолари иштирокида кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

22. Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар сметаси ва унинг ижроси тўғрисидаги ҳисботлар, шунингдек, товарлар (иш ва хизматлар)ни харид қилиш бўйича тузилган шартномалар рўйхатлари таълим муассасасининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий-веб сайтларида эълон қилинади.

23. Ишчи орган Жамғарма маблағларининг қонунийлиги ва мақсадли йўналтирилиши, шунингдек Жамғарма фаолияти бўйича бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботлари ташкил этилиши учун жавоб беради.

24. Давлат таълим муассасаларида Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари сметаларининг устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармасининг ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилади.

#### **5-боб. Якуний қоидалар**

25. Жамғарми қайта ташкил этиш ва уни тугатиш қонун хужжатларида мувофиқ амалга оширилади.

26. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

27. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

19. Жамғарманинг вақтингчалик бўш турган маблағлари таълим муассасалари томонидан Ўзбекистон Республикасининг молиявий баркарор ва тўлов қобилияти юқори бўлган банкларининг депозит ҳисобваракларига жойлаштирилиши мумкин ҳамда олинган фоиз даромадлари ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилган мақсадларга сарфланади.

#### **4-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш юзасидан ҳисобот ва назорат**

20. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш бўйича ҳисоб ва ҳисботлар таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари бошка маблағларидан алоҳида, бюджет ташкилотлари учун бюджетдан ташқари маблаглар бўйича қонун хужжатларида белгиланган тартибда юритилади.

21. Жамғарма даромадлари ва харажатлари сметасининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисбот таълим муассасасининг йил якунлари бўйича ўтказиладиган йигилишида Кенгаш аъзолари иштирокида кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

22. Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар сметаси ва унинг ижроси тўғрисидаги ҳисботлар, шунингдек, товарлар (иш ва хизматлар)ни харид қилиш бўйича тузилган шартномалар рўйхатлари таълим муассасасининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий-веб сайтларида эълон қилинади.

23. Ишчи орган Жамғарма маблагларининг қонунийлиги ва мақсадли йўналтирилиши, шунингдек Жамғарма фаолияти бўйича бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботлари ташкил этилиши учун жавоб беради.

24. Давлат таълим муассасаларида Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари сметаларининг устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармасининг ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилади.

#### **5-боб. Якуний қоидалар**

25. Жамғарми қайта ташкил этиш ва уни тугатиш қонун хужжатларида мувофиқ амалга оширилади.

26. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

27. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

